

МАВЗУ: ЯПОНИЯ МОЛИЯ ТИЗИМИ.

**54-15 гуруҳ талабаси
Исоқов Фарход**

• ЯПОНИЯ

Пойтахти	Токиё
Ҳукумат	Консититутсион монархия
Император	Акихито
Бош вазир	Шинзо абе
Майдони	377,835км ²
Аҳолиси	127,417,244
Пул бирлиги	ен

- Япония саноати тарихан феодал оилалар доирасида ривожланган. Бу жиҳат бугунги кунда бир неча йирик япон банклари, савдо ва саноат компаниялари номларида (митсуи, митсубиши, сумитомо, ямото) ҳам ўз аксини топган. Ушбу оилаларнинг ҳар бири саноат гуруҳларини (“заибатсу”) шакллантирган. Бошқача қилиб айтганда, савдо, транспорт, пўлат қуйиш ёки иқтисодиётнинг бошқа соҳасига ихтисослашган компанияларни ўз қаноти остига олган ҳамда ушбу гуруҳга кирувчи компанияларнинг назорат улушига эга бўлган банк хўлдинг компанияларини тузишга эришган.

- Япония ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг “япон модели” номи билан дунёга танилиши асосан 2-жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. Мана шу даврдан кейинги ривожланишини кўпчилик мутахассислар қуйидаги даврларга ажратиб кўрсатишади:
 - 1-босқич - 1945-1969 йиллар.
 - 2-босқич - 1970-1989 йиллар.
 - 3-босқич - 1990-2000-йиллар охири.
 - 4-босқич - 2010-йиллардан ҳозиргача.

- **1-босқич.** Япониянинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг иттифоқчи қўшинлар олий штаби иқтисодий ислоҳотлар йўналишларини белгилаб берди. Ақшнинг япониядаги оккупатсион ҳукумати маслаҳатчиси Джозеф Додж томонидан таклиф этилган **“додж режаси”**га (1949-1950 йиллар) мувофиқ, Япония иқтисодиётини қайта тиклаш учун истиқболли ишлаб чиқариш тизими жорий этилди. Бундай ишлаб чиқариш тармоқларига қора металлургия, тошкўмир саноати, електроенергетика, темир йўл ва денгиз транспорти кабилар киритилди.

- Япония импортга таяниб рангли ва қора металлургия, нефтни қайта ишлаш, кемасозлик ва шу каби энергия, ресурс ва капитал сиғими юқори бўлган саноат тармоқларини барпо этиш имконини берди. Масалан, 1953-1971-йиллар оралиғида қайта ишлаш саноати 10,6 марта, машинасозлик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 24,9 марта, нефт маҳсулотлари ва тошкўмир ишлаб чиқариш 19,3 марта, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12 марта ҳамда пўлат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10 мартага ошди. Капитал сиғими юқори бўлган тармоқларнинг ривожланиши натижасида иш билан бандлик ва аҳолининг турмуш даражаси кўтарилди.

- 1964-1973-йилларда иқтисодий ўсиш суръати олдинги йилларга нисбатан янада жадаллашди. Мамлакатнинг 1964-1973-йиллардаги иқтисодий ривожланиш даври мамлакат иқтисодиёти тарихида **“тез тараққиёт”** даври номини олди. Шу йилларда иқтисодий ўсиш йилига ўртача 14 фоизни ташкил қилди ва **“иқтисодий мўжиза”**га эришилди.
- Натижада 1970-йиллардан бошлаб Япония мамлакати **“кунчиқар мамлакат”** деб атала бошланди. Ялпи ички маҳсулот 1955-1973-йиллар оралиғида ўртача 10 фоиз ўсди

- 2-босқич. 1970-йиллар япония иқтисодиётининг ривожланишида янги Сифат ўзгаришлари билан тавсифланади. 1973 йил ва 1978-йилдаги нефт инқирозлари мамлакатда ресурс сифими юқори бўлган тармоқлар учун қийин вазиятни юзага келтирди. 1960-йиллар ўрталарида бошланган реал иш ҳақи даражасининг ошиши меҳнат харажатларини кўпайтириб, меҳнат сифими юқори бўлган тармоқларнинг рақобатбардошлигини пасайтириб юборди. Буларнинг барчаси юқори инфляция шароитида юз берди

- Шу билан бир вақтда, мустақил илмий-тадқиқот ишларининг ривожланиши ҳам бошланди. Ҳам давлат, ҳам компаниялар атом энергиясидан фойдаланиш, фазони ўрганиш, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш каби фундаментал изланишлар олиб боришда фаоллаша бошладилар. Хусусан, Япониянинг илмий-тадқиқот тажриба-конструкторлик ишларига харажатлари 1975-йилда 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 3,1 фоизга етди.

- 1970-йилларнинг бошигача мамлакат яим таркибида қайта ишлаш саноати улуши доимий ошиб борди (1970-йилда яимнинг 6,8 фоизи), кейин эса аста-секинлик билан камайиб борди. қайта ишлаш саноатининг тармоқ таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. машинасозликнинг жами саноат маҳсулотидаги улуши 1960-1973-йилларда 30,7 фоиздан 56,5 фоизга ўзгарди. Бунга асосан, электротехника соҳасининг жадал тараққий этиши сабаб бўлди.

- Бу даврда яимда қишлоқ хўжалигининг улуши кескин камайди; 1960-1970 йиллар орасида 13 фоиздан 4 фоизга қисқарди. Учинчи секторнинг аҳамияти ортиб бориб, 1985 йилга келиб яимда унинг улуши 60,7 фоизни ташкил этди.
- 1973-йилда Японияда сузиб юривчи валюта айирбошлаш курси тизими жорий этилди. Натижада 22 йил давомида амалда бўлган валюта курси механизми ўзгариб, еннинг долларга нисбатан қадри оша бошлади (360 ен = 1 доллардан 308 = 1 долларга). Натижада 1980-йилларнинг охирига келиб саноати ривожланган мамлакатлар билан ўзаро савдо балансидаги дефитсит ўсиб кетди. Ҳукумат ислохотлар ўтказиб япония миллий темир йўллари (жнр), ниппон телеграф ва давлат телефон корпоратсияси (тпс)ни давлат тасарруфидан чиқарди, яъни хусусийлаштирди.

- **1970-80**-йилларда иқтисодий ўсиш сурҳатлари аввалги даврдагидан пастроқ бўлди; 1970-йилларда ўртача **4,5** фоиз, 1980-йилларда эса ўртача **4,0** фоизни ташкил этди. Лекин бу кўрсаткичлар ўша даврда саноатлашган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичларидан юқорироқ ҳисобланган. Шу сабабли япониянинг иқтисодий қудрати **АҚШ** ва **СССР**дан кейинги учинчи иқтисодий куч сифатида баҳоланарди. **1980**-йилларнинг охирларига келиб Япониянинг миллий бойлиги қиймати **1,363 трлн. енга** тенг бўлиб, бу кўрсаткич яимнинг қарийб **5,6** баробарини ташкил этган

- **3-босқич. 1980-йилларнинг охирига келиб мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланди, молиявий ва конъюнктуравий шарт-шароитлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, улгуржи савдодаги барқарор нархлар, ишсизликнинг паст даражаси ҳамда компанияларнинг касодга учраш кўрсаткичлари энг паст даражалар сифатида эҳтироф этилди. Бу даврда яримўтказгичлар ишлаб чиқариш соҳасига капитал киритиш, инвестицияларни мазкур соҳа корхоналарига йўналтириш фаоллашиб борди, шу билан бирга қимматли қоғозлар ва уй-жойлар нархи кескин ошиб кетди. Натижада пул массасининг асосий қисми фонд ва кўчмас мулк бозорига оқиб ўтди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда “совун пуфаги” ҳолатини келтириб чиқарди. Бу пуфаклар 1990-йилларда ёрилиши натижасида иқтисодиёт ва молия соҳасида инқироз юзага келди. Оқибатда 1997 йилда бошланган Осиёдаги молиявий инқироз япония йирик банкларини ҳам қийин ва мураккаб вазиятга солиб қўйди**

- **1990-95** йилларда жаҳон иқтисодиётидаги циклик инқироз Японияга ҳам катта таъсир ўтказди. АҚШдан фарқли равишда япония иқтисодиёти учун бир қатор кўрсаткичлар ретсессия ҳолатидан далолат бераётган эди. **1998-1999**-йиллар оралиғида **ЯИМ** ҳажми **2,8** фоизга қисқарди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришга хусусий капитал қўйилмалари ҳажми **11,7** фоизга қисқарди. **2000**-йилда ишсизлик **1953**-йилдан кейин биринчи марта энг юқори – **4,7** Фоизга етди. Реал ойлик иш ҳақи **2** фоизга қисқарди. Табиийки, истеъмол талаби ҳам **2,2** фоиз қисқарди, бу айниқса узоқ муддатли истеъмол товарлари бозорида яққол намоён бўлди.

- 1998-йилда ҳукумат тепасига келган янги кабинет инқирозга қарши чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди. бу иқтисодий ривожланишнинг истиқболли дастурларини рўёбга чиқариш имкониятини берди.

Бу дастурлар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олди:

- **ЯПОНИЯ**ни электрон давлатга айлантириш;
- йирик шаҳарлар атрофидаги агломератсияларнинг транспорт тизимларини ривожлантириш;
- ижтимоий инфратузилма йўналишларини (телекоммуникатсия, илм-фан ва технология, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ташкилотлари, ижтимоий таҳминот муассасалари) янги сифат босқичига кўтариш;
- бандлик барқарор тизимини илғор технологияларга асосланган ҳолда такомиллаштириш.

- Бу давр жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланиши билан ҳам тавсифланади, инқироз мамлакат иқтисодиётига қуйидагича таъсир қилди: **2008**-йилнинг иккинчи ярмида иқтисодиётда ретсессия ҳолати бошланиб, шу йил ноябр ойида автомобиллар сотув ҳажми 27 фоизга қисқарди. Бу эса **1996**-йилдан буён сотув ҳажми қисқаришидаги энг паст кўрсаткич эди. **2008**-йил якунларига кўра мамлакат яим ҳажми 1,2 фоизга қисқарди.

- 4-босқич. 2009-молия йилининг яқунларига кўра, Япония номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми 5 трлн. ақш долларидан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. Аммо 2010 йилнинг августига келиб мутахассислар Хитой иқтисодиёти бу кўрсаткич бўйича Японияни ортида қолдирганлиги маълум қилдилар. Шунга қарамасдан, мамлакат иқтисодиёти ўша йили 4 фоизга ўсди, бу кўрсаткич 2009-йилда 6,0 фоизни ташкил этганди

- 2010-йилга қадар Япония жаҳонда иккинчи иқтисодиёт бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо сўнгги бир неча йиллардан буён мамлакат бир неча иқтисодий муаммолар марказига айланиб қолмоқда. Лекин бу муаммоларнинг пайдобўлиши анча узоқ даврларга бориб тақалади. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:
- истеъмол
- монетар вазият
- бандлик

- **1. истеъмол:**
- Сўнгги йигирма йилда ўсиш суръатларининг ўртача 0 фоиздан ошмаганлиги;
- Мамлакат истеъмол ҳажмининг дефлятсия оқибатида турғун ҳолатга келиб қолганлиги;
- Давлат қарзлари ҳажмининг тинмай ўсиб бораётгани;
- 2011-йилги буюк шарқий япония zilzilasi ҳамда 2012-йилги ретсессия натижасида иқтисодиётда деърессия кайфиятининг сақланиб қолиши;



- **2. монетар вазият:**

- - узоқ муддатли дефлятсия;
- - экспортга салбий таъсир кўрсатаётган ўта барқарор иена курси.

- **3. бандлик:**


- - нисбатан ишсизликнинг паст даражаси, аммо демографик вазият билан
- боғлиқ бир қатор омиллар таъсирининг намоён бўлиши;
- - айрим соҳаларда меҳнат ресурсларининг танқислиги, хусусан, қурилишда;
- - бандликда аёллар иштирокининг паст даражаси.
- - қишлоқ хўжалаги соҳасида банд бўлганлар ёшининг қариб, сонининг камайиб бораётганлиги.

Yaponiya YaIM dinamikasi, joriy narxlarda, AQSH dollarida



Manbaa. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti, 2013

Yaponiya iqtisodiyoti o'sish dinamikasi




Manbaa. Xalqaro Valyuta Fondi, 2013

- Қуйидаги 1.2-диаграммада япониянинг 1981-йилдан 2012-йилгача бўлган вақт оралиғи учун йиллик ўртача ўсиш даражаси таққосланган. 2008-2012-йиллар оралиғида бу кўрсаткич манфий даражада бўлиб, 2000-йилдан 2012-йилгача даврда ўртача ўсиш суръати **0,67 фоиз**ни ташкил этган.

- 2012-йиллар оралиғи учун бу даражанинг кескин тушиб кетишига 2008 -йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда 2011-йилда Япониядаги зилзила оқибатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бу даврда япониянинг иқтисодий салоҳиятини тараққий этган мамлакатлар орасида янада кучайтириш мақсадида “абеномика” дастури ишлаб чиқилди.


Abnomika doirasida iqtisodiy qayta tiklanish modelining ishlash mehanizmi



- Энг катта муаммо япония давлат қарзлари **ЯИМ**га нисбатан ҳажмининг бир бир неча ўн йиллар давомида тинмай ўсиб бораётганидир. бу кўрсаткич бўйича япония **“катта йигирмалик”** мамлакатлари орасида биринчи ўринини эгаллаб олди. япония давлат қарзининг динамикасини таҳлил қилар эканмиз, у сўнгги йигирма йил ичида ўсиш тенденциясида тинмай давом этиб келаётганини кўрамиз. 1992-йилда япония давлат қарзи мамлакат яимнинг 66,5 фоизи даражасида бўлган бўлса, 2012-йилда бу кўрсаткич яимнинг икки бараваридан ошиб кетганини кўришимиз мумкин – 211,7 фоиз


Jahonning ayrim mamlakatlari, davlat qarzlari bo'yicha

Mamlakatlar yalpi davlat qarzlari YaIMga nisbatan, foizda



Manba. Xalqaro Valyuta Fondi ma'lumotlari asosida Bloomberg jurnali tomonidan tuzilgan

2012-moliya yili uchun Yaponiya davlat budjeti harajatlari tarkibi



Manba. "Highlights of the Budget for 2012 FY", Yaponiya Moliya Vazirligi

- Агар Япония давлат қарзларининг 2012-йилдаги таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, ундаги учта асосий соҳа жами ҳаражатларнинг қарийб 70фоиздан ортиғини ташкил этаётганининг гувоҳи бўламиз (1.2-расм). булар: ижтимоий химоя (29,2 фоиз), давлат қарзлари бўйича мажбуриятларни бажариш (24 фоиз) солиқ тушумларини маҳаллий қайта тақсимлаш (18,4 фоиз).

- Ҳукумат тепасига янги бош вазир шиндзо абенинг келиши ва ўз янги дастури доирасида иқтисодиётни ислоҳ қилишни бошлаганига икки йил бўлди. Япония иқтисодиёти бу даврда эришган иқтисодий натижалар қуйидаги 1.2-

1.2-jadval

Yaponiya iqtisodiy ko'rsatkichlari


	012	013	014	015	016	2017 (reja)
Nominal YaIM o'sishi, foiz	,2	,6	,1	,8	,5	2,5
Nominal YaIM, trln. Yen	94,7	07,1	17,9	02,2	40,2	553,5
Real YaIM o'sishi, foiz	,9	,6	0,4	,3	,30	1,5
Isteomolchilar narx indeksi, foiz	0,3	,9	,9	,2	,0	1,1
Ishsizlik darajasi, foiz	,3	,9	,5	,3	,1	2,9

Manba: FY2016 and FY2017: based on "FY 2017 Economic Outlook and Basic Stance for Economic and Fiscal Management" (Approved by the Cabinet on December 20, 2016).

- Япония иқтисодиёти номинал **ЯИМ** кўрсаткичлари бўйича жаҳонда учинчи, истеъмол қобилияти паритети бўйича эса **тўртинчи** ўринни эгаллаб қолмоқда. Жаҳон банкининг 2016-йилги ҳисоботига кўра Япония ЯИМ ҳажми 4,525 триллион **АҚШ** долларини ташкил этди (4 525 563 000 **АҚШ** доллари). Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг манбаларига кўра ривожланган мамлакатлар гуруҳида иккинчи ўринни Япония эгаллайди. Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, Японияда аҳоли жон бошига туғри келадиган ЯИМ ҳажми 2016-йилда 36,2 минг **АҚШ** долларини ташкил этиб, бу жаҳон мамлакатлари бўйича 22-енг юқори кўрсаткичдир. Япония катта саккизлик гуруҳи аъзоси. тарихан **“япон мўжизаси”** феномени билан қисқа суръатларда вайрон иқтисодиётдан барқарор иқтисодиёт даражасига кўтарила олган мамлакат

1.4-diagramma


Yaponiya YaIM ko'rsatkichlari (mlrd dollar da)



Manba: Trading economics.com; The World Bank Group

- Агар япония давлат қарзларининг 2017-йилдаги таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, ундаги учта асосий соҳа жами ҳаражатларнинг қарийб 70 фоиздан ортиғини ташкил этаётганининг гувоҳи бўламиз (1.3-расм). Булар: Ижтимоий химоя (33,3 фоиз), Давлат қарзлари бўйича мажбуриятларни бажариш (24,1фоиз) солиқ тушумларини маҳаллий қайта тақсимлаш (16 фоиз).

2017 moliya yili uchun Yaponiya davlat byudjeti harajatlari tarkibi



Manbaa. "Highlights of the Budget for 2017 FY", Yaponiya Moliya Vazirligi

- Умуман, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кўриб чиқилган масалалар бу мамлакатнинг қисқа сурҳатларда вайрон иқтисодиётдан жаҳон тан олган **"иккинчи иқтисодиёт"** даражасигача кўтарилганлиги ҳақида батафсил маълумотни берса, уларни умумлаштириб бундай **"япон мўжизаси"**га сабаб бўлган омиллардан Япон халқининг меҳнаткашлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, иқтисодиётни тартибга солишда давлатни алоҳида ўрнининг мавжудлигини айтиб ўтиш лозим.